



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 13 февраль, № 32 (7534) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

2019 йилда ўзаро ҳамкорликда салмоқли амалий натижаларга эришилгани ва барча даражадаги мулоқотлар сезиларли фаоллашгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми юқори суръатлар билан барқарор ошмоқда. Бир йилнинг ўзига 500 қўшма корхона ташкил этилди, Россиянинг етакчи компания ва банклари иш-тироқида иқтисодийнинг муҳим тармоқларида устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим ва маданий-гуманитар соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқот чоғида олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига давлат ташрифи кун тартибини тайёрлаш, жумладан, ташриф доирасида навбатдаги ҳудудлар ва ректорлар анжуманларини, медиа-форум ва бошқа тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги йилида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги истиқболлари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Хамжихатлик

ДЎСТ СИНОВЛИ КУНЛАРДА БИЛИНАДИ

Ўзбекистон Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармойишига биноан, кеча Мудофаа вазирлиги Харбий-ҳаво кучларига тегишли харбий-транспорт самолёти коронавирус тарқалишига қарши курашиш борасида Хитой томонининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур мамлакатга гуманитар ёрдам юклари билан учиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги инсонпарварлик юки шакллантирилиши ва етказиб берилиши учун масъул этиб белгиланди.

ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

2020 йилда Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар натижаси ҳар қачонгидан салмоқлироқ бўлиши кутилмоқда.

Нигоҳ

“Инқилоб” сўзи изоҳли луғатда “жамият ҳаёти ва унинг соҳаларида бўладиган туб ўзгариш”, деб шарҳланган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда рўй бераётган жараёнлар бу таърифга тўла мос келади.

Ислохотларнинг истиқболли режаси Президентимиз томонидан Олий Мажлисга Мурожаатнома, яъни халқнинг хоҳиш-иродасига асосланган ва изчил рўёбга чиқарилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи дастуриламал ҳужжат тақдим этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унда илк бора “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги гоя қўндалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётгани ҳақида айтилди. Ўз навбатида, жамият ҳам Президентимизнинг чиқишига жуда катта қизиқиш билдирди. Сўралардан маълум бўлишича, ҳар ўн нафар ватандошимиздан саккиз нафари Мурожаатномани тўғридан-тўғри эфирда кўрди. Ҳар ўнчиси фуқа-

ро маърузанинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун кўшимча равишда ахборот ва таҳлилий ресурсларга мурожаат қилди.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган йўналишлар кенг микёсда маъқулланди. Ўзбекистонликларнинг 97 фоиздан кўпроғи Шавкат Мирзиёев ташаббуслари — бу давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланишига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг истиқболли режасидир, деб ҳисоблайди. Янгиланишлар мамлакатимиз иқтисодий ўсишида катта роль ўйнаб, аҳоли фаровонлигини яхшилаш баробарида, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини оширишга хизмат қилади.

Мурожаатнома Ватанимиздан жуда узоқ-узоқларда ҳам акс садо берди.

Мисол учун, АҚШдаги “Defense & Foreign Affairs” таҳлилий гуруҳи раҳбари Грегорий Копли мамлакатимиз раҳбарининг Мурожаатномасига бағишлаб, “Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда Совет Иттифоқи давридан кейинги энг салмоқли стратегик ёндашуви деб белгилаб берди” сарлавҳаси остида мақола ёзди. Унда Шавкат Мирзиёевнинг Муро-

АҚШнинг Марказий Осиё бўйича ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ

У Президент Шавкат Мирзиёев илгари суриб келаётган яхши қўшничилик сиёсатига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълумотларига кўра, ўтган ҳафтада “Heritage Foundation” биносида АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2025 йилгача мўлжалланган янги стратегияси тақдироти бағишланган брифинг ўтказилди.

Биз ва жаҳон

Стратегияни АҚШ Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртис, АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Элис Уэллс ва ЮСАИДнинг Осиё бюроси администратори ёрдам-

чиси вазифасини бажарувчи Глория Стил тақдим этди.

Тадбирда Оқ уй, Конгресс, Давлат департаменти вакиллари, экспертлар, дипломатик корпус ва АҚШ оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Л. Кёртиснинг таъкидлашича, Президент Шавкат Мирзиёев тўғрисида Марказий Осиёдаги ўзга-

ришлар ортага қайтмас, барқарор характер касб этипти, ҳозир минтақа ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ жипслашган. Янги стратегияда АҚШнинг Ўзбекистондаги муҳим ўзгаришлар ва бошқа республикалардаги янгиланишлар фониди ёндашувлари ҳамда қарашларининг ўзгариши, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларига янги етакчилар келгани, минтақавий шериклик ривожланишидаги янги динамика, экстремистик мафкура ва террорчилик ташкилотлари таҳдиди борасида сўз борди.



жаатномасини Марказий Осиё мамлақати етакчиси томонидан илгари сурилган миллий сиёсат бўйича жуда катта аҳамиятга молик баёнотлардан бири, дея баҳолаб экан, мазкур чиқишда илк бора давлат стратегиясининг аниқ бошқилари кўрсатиб берилганини таъкидлади. Муаллифнинг фикрича, ушбу муҳим стратегиянинг навбатдаги компоненти Ўзбекистоннинг глобал микёсдаги ўрнини кўриб чиқишдан иборат бўлади. Бунга эса мамлакат ўзига хослигини ва мақсадларини аниқ белгилашга эришганидан сўнг имкон туғилади. Президент нигоҳида янги эрага қадам қўётган давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши учун мустаҳкам асос яратиш кўзда тутилмоқда.

МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИГА АЙЛанади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўлини ҳисобланади. Кейинги уч йилда уни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий ҳужжат қабул қилинди, 50 дан ортиси такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат муқофотлари билан тақдирланди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларининг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзига 1,5 баробар оширилди.

Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида “Маҳалла маркази” мажмуалари барпо этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Маҳалла фаолларининг масъул ташкилотлар ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида охириги уч йилда 87 мингга яқин кам таъминланган оилалар эътиёмандлик даражасидан чиқарилди.

Президентимиз маҳалла тизимидан халқ ҳам, давлат ҳам тўла рози эмаслигини, бу соҳада камчилик ва долзарб масалалар кўплигини таъкидлади.

Хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортук ходимлар фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим

маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли.

Йиғилишда оилавий ажримлар, ёшлар саломатлиги, эрта туғруқлар, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ муаммолар қайд этилди.

— Оила — муқаддас, деган азалий ва эзгу гоя қадрсизланиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз завол топар экан, бу каби оғриқли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда маҳаллаларнинг ўзига ҳам қатор муаммолар борлиги қайд этилиб, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Масалан, бугунги кунда 1 минг 234 та фуқаролар йиғини турли ташкилотлар ёки тадбиркорларга тегишли биноларда жойлашган. Яна мингдан зиёди ижтимоий муассасаларда, 78 таси кўшни маҳалла йиғинлари биноларида фаолият кўрсатмоқда, 48 та маҳалла биноси авария ҳолатида. Маҳалла бинолари учун коммунал тўловларни тўлаш бўйича мақбул ва ягона тартиб ишлаб чиқилмаган.

Маҳалла тизимида кадрлар кўнимсизлиги одатий ҳолга айланган. Маҳалла хо-

димларини уларга боғлиқ бўлмаган ишлар, йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш тақиқланган бўлса-да, бу борада сезиларли ўзгариш бўлмади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига 200 дан ортук вазифалар юкланган. Лекин бор-йўғи 2 та штат бирлиги билан шунча вазифани бажариш мумкинми, деб ўйлаб кўрилмаган. Ҳеч бир ҳоким ёки кенгаш маҳаллалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласини муҳокама қилмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида маҳалла тизимини ўзгартириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Видеоселектор йиғилишида ана шу тамойилни амалга ошириш, маҳалла тизимини ислох этиш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш шартлигини таъкидлади. Ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси — Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Қайд этилганидек, янги вазирлик маҳаллалар тортиб республика даражасига 40 мингдан ортук ходимларни бирлаштириши ва уларнинг “бир ёқадан бош чиқариб”, ягона мақсад йўлида фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, жойларда муаммоларни ҳал

қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалаларга масъул этиб белгиланади. Вазирнинг яна бир ўринбосари кексаларни ижтимоий рағбатлантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш масалалари билан шугулланади. Оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, томорқа ва ободонлаштириш, экология, бандликка кўмаклашиш масалаларига масъул ўринбосар лавозими жорий этилади.

Вазир “Маҳалла” жамғармасига, вазирнинг биринчи ўринбосари Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига, Кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосар “Нуруний” жамғармасига раислиқни ҳам бажаради.

Вазирликнинг худудий бошқарма ва бўлимлари бошқилари ҳоким ўринбосари ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи худудлардаги ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари даражасига кўтарилади. Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан узвий ҳамкорликда ишлайди.

Янги тузилмада хотин-қизлар билан ишлашга устувор аҳамият қаратилади. Шу вақтга қадар хотин-қизлар кўмиталарида, маҳаллаларда меҳнат қилиб келаётган аёллар тузилмада фаолиятини давом эттириши, уларнинг маънавий, моддий шарт-шароитлари ва иш ҳақи ҳам сезиларли оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Хамкорлик

Юртимизда БМТнинг 75 йиллиги кенг нишонланади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева БМТнинг Ўзбекистондаги доимий муовифқаллаштирувчиси Хелена Фрейзер билан учрашди.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасида Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш масалаларида ҳамкорлик қилиш муҳокама-нинг асосий мавзуси бўлди. Жумладан, БРМни тарғиб қилишда парламентнинг роли ҳақида сўз борганда Т. Нарбаева мамлакатимизда жорий йилдан бошлаб, БМТнинг 17 та барқарор ривожланиш мақсадига эришиш устидан кучли парламент назорати ўрнатилишини, парламентда ҳуқуқат аъзоларининг ушбу масала юзасидан тегишли ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий этилишини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда гендер тенглик масалалари бўйича ҳамкорлик қилишнинг турли жиҳатлари муҳокама этилди. Жумладан, 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер

тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ҳақида сўз борди. Ушбу Стратегиянинг БМТ экспертлари томонидан баҳолалиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда БМТнинг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказиш масалалари ҳам тилга олинди. Шу нуқтаи назардан БМТ тузилмалари жаҳоннинг барча мамлакатларида бўлгани каби республикамизда ҳам ўзбекистонликлар ўз келажагини қандай кўришни истиши ва БМТ қандай роль ўйнаши ҳақида сўров ўтказишни режалаштиришга таъкидланди.

Учрашувда томонлар ўзаро манфаатдор бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муниссон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Янги Ўзбекистон — янги парламент

Тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар ҳаётига изчил татбиқ этилади

Аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакатда инвестициявий жозибадорликни ошириш, фермер, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар сўхат-саломатлигини муҳофаза этиш қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан пухталигига, ҳаётга самарали татбиқ этилишига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада парламентга аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ушбу мақсадларга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди ҳамда қизгин муҳокама қилинди.

Облигациялар чиқариш ҳуқуқи қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида уни қабул қилишнинг ҳаётий зарурати тўғрисида таъкидланганидек, амалдаги

қонунчиликнинг фақат акциядорлик жамиятлари ва ташкилий ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, банклар корпоратив облигациялар чиқариши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Лекин корпоратив облигациялар чиқаришга қўйилган амалдаги шартлар ва талаблар ушбу жарафни кўпчилик акциядорлик жамиятлари учун ҳам қийинлаштирмоқда.

Депутатлар қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида уни қабул қилишнинг ҳаётий зарурати тўғрисида таъкидланганидек, амалдаги

МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИГА АЙЛанади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маҳалла раисининг ваколат муддати уч йилдан беш йилга узгартирилади. Унинг уч нафар ўринбосари лавозими жорий этилади. Профилактика инспектори эндиликда маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайди. У ҳам 5 йил муддатга тайинланади.

Маҳаллалардаги турли йўналишлар бўйича ташкил этилган, бироқ қўрилган самарани бермай келаётган 12 та жамоатчилик комиссияси ва тузилмалари ҳам мақбул-лаштирилди.

Ийгилишда маҳалла институтининг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йил 1 мартдан маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ойлик иш ҳақи ўртача 1,35 баробар оширилиши белгиланди. Маҳалла ходимлари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашнинг ягона мезони ишлаб чиқилди ва самарадорлик рейтингини жорий қилинди. Барчага ўрнатилган маҳаллалар аниқлиги, муносиб рағбатлантириб борилди.

“Хар бир оила — тадбиркор”, “Ешлар — келажакимиз”, “Хўнарамдчилик” дастурлари доирасида маҳаллаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун арзон кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига саргармоҳона, новвойхона, шунингдек, хўнарамдчилик, тикув, қандолатчилик цехлари, оталар чойхонаси, гузарлар ташкил этилади.

Молия вазирлигига маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-молиявий асосларини пухта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мутасадди вазирлик ва идораларга маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишташликни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томирқарлардан умумий фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш каби масалалар билан шуғулланиши таъкидланди.

Фуқаролар йиғинларининг фаолиятига хос бўлмаган 50 дан ортиқ вазифалар бекор

қилиниши, профилактика инспекторларига юклатилган ортиқча топшириқлар ҳам кескин қисқартирилиши белгиланди. Маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилиб, мақоми ва обрўси кучайтирилиши қайд этилди.

Мутасаддиларга “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизимни жорий этиш, маҳаллага ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантирайдиган саҳна асарлари ва бадиий фильмлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида профилактика инспектори кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазирлигига профилактика инспекторларига яратилган шароитларни ўрганиб, таянч пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, бу вазифага муносиб ходимларни тайинлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқаролар йиғинлари мажмуаларини қуриш, бўш турган биноларга маҳалла идораларини жойлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Маҳаллаларда аҳиллик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини мустаҳкамлашда кексалар таъриба-сидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла ва оила масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида “Оила” ва “Маҳалла зиёси” марказлари негизида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар миллий менталитетимиз кўзгуси эканини, жамият ҳаётида катта ўрин тутганини таъкидлар экан, Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 марта санасини “Маҳалла тизими ҳодимлари кунини” деб эълон қилиши таъкид этди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, нурунийлар ва фаоллар фикр билдирди.

Ў.А.

АҚШнинг Марказий Осиё бўйича ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ

У Президент Шавкат Мирзиёев илгари суриб келаётган яхши кўшничлик сиёсатига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Л. Кёртис АҚШ Марказий Осиёни мустақил геостратегик минтақа сифатида кўришни билдирди.

— Ишончимиз комилки, Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий, энергетика ва демократик жараёнларда доимий широк этиши Марказий Осиё мамлакатлари учун самарали минтақавий шериклар блоқи вазифасини бажаришга ва ўз миллий мақсадларига эришишда имкониятларни кенгайтиришга қодир бўлади, — деди у.

Ўз навбатида, АҚШ Давлат қотибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Э. Уэллс Давлат қотиби М. Помпеонинг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларга, балки минтақавий масалаларга оид фикр алмашиш имконини берганини таъкидлади.

“С5+1” форматиди Тошкент учрашуви ва 2015 йилда Самарқандда бўлиб ўтган вазирлар конференцияси АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигини “С5+1” механизми орқали мустаҳкамлаш учун асос яратди. Бу эса хавфсизлик, иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва экология каби соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш борасида олиб борилаётган саяё-ҳаракатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Э. Уэллснинг сўзларига кўра, 2015 йилда ишлаб чиқилган страте-

гияни қайта кўриб чиқишга, аввало, Ўзбекистондаги жуда муҳим ўзгаришлар, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ички ва ташқи сиёсатда изчил ислохотлар амалга оширилиши, қўшни давлатлар билан муносабатлар яхшиланиши, Қозоғистондаги барқарор сиёсий ўзгариш ҳамда Афғонистондаги вазиятга сиёсий ечим топиш имконияти ҳам туртки бўлди.

Терроризмга қарши чораларни қўллаб-қувватлаш доирасида Э. Уэллс Америка Қўшма Штатлари экстремизм ва онлайн радикаллашувга қарши курашиш, шунингдек, тўғри йўлга қайтганларни реабилитация қилиш бўйича турли ўқув-семинарлар ўтказилаётганини қўшимча қилди. Шу нуктага назардан, Америка расмийси Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон, ҳақиқатан ҳам, уруш ўчоқларидаги фуқаролари тақдирини кўриб қарайди бўйича дунё давлатлари орасида етакчи бўлаётганини эътироф этди.

ЮСАИДнинг Осиё бюроси администратори ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Глория Стил АҚШнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясини амалга оширишга алоҳида ҳисса қўшишни билдирди. Жумладан, маъмур ҳужжатда институционал ва



кадрлар салоҳиятини кучайтириш, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини қўллаб-қувватлаш, сайловларнинг шаффоф тизимини яратишга қўмқолаштириш, экстремистик мафкура таъсирини қарши курашишни кучайтириш, одам савдосига қарши курашиш ва диний эркинликни таъминлаш бўйича чоралар самарадорлигини оширишга ёрдам бериш, бизнес фаолиятини тартибга солишни таъминлаштириш ва соддалаштириш, савдо ҳамда бизнеснинг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш орқали инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, ЖСТга кириш бўйича музокаралар жараёнида кўмак бериш, иқтисодий интеграцияни, ҳар йили ўтказиладиган Марказий Осиё савдо форумлари платформасини қўллаб-қувватлаш каби бандлар назарда тутилгани қайд этилди.

Дипломатик ваколатхонамизнинг билдиришича, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясида минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликнинг асосий принциплари ва устувор жиҳатлари сақланган, шу билан бирга, минтақа давлатлари эҳтиёжларига жавоб берадиган савдо ва инвестиция алоқаларини ривожлантириш, ислохотлар ва трансформациялар жараёнини қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсishга эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, АҚШ маъмурия-ти томонидан ишлаб чиқилган стратегия Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йилдан буён илгари суриб келинаётган яхши кўшничлик сиёсати натижасида Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган ўзгаришларни ёрқин акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

ДўСТ СИНОВЛИ КУНЛАРДА БИЛИНАДИ

Юборилган юклар, хусусан, тиббий воситалар рўйхатида янги турдаги корона-вирусдан сақланиш учун зарур ҳисобланган шахсий ҳимоя воситалари киритилди. ФВБ матбуот хизмати хабарига кўра, булар бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, ҳимоя қилувчи комбинезон, юз учун филтэрловчи ниқоб, махсус тиббий форма, тиббий ниқоблар, тиббий дозалар бўлиб, уларнинг жами қиймати 200 минг АҚШ долларига тенг.

Инфекция тарқалишига қарши курашишда Хитойни қўллаб-қувватлаш учун тез орада яна гуманитар ёрдам юборилди. Инсонпарварлик кўмагининг иккинчи партияси учун “Ўзтўқимачиликсаноат” уюشمаси юртимиздаги тўқимачилик корхоналарида тиббий ниқоблар ва ҳимоя кийимлари тайёрланишини таъминлайди.

Цзян Янь, Хитойнинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:

— Хитойнинг Хубэй провинциясида коронавирус аниқланган дастлабки кунлардан Хитой ҳукумати ва халқи ХХР Раиси Си Цзиньпин бошчилигида мазкур касалликка қарши курашиш борасида қатъий ва мақсадли чораларни кўрди. Бугунги кунга келиб муайян ижобий натижаларга эришилди.

Шундай мураккаб кунларда Хитой халқи Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шакллантирилган инсонпарварлик ёрдамчиси қабул қилиб олмақда. Тўғриси, бу ҳар қандай кишини тўқимачилик тартибидан Хитойда шундай гап бор: “Дўстлар бир-бирига оғир кунда ёрдам бериши керак”. Бу ўзбек халқининг “Дўст қулфатда билинар” деган мақоли билан ҳамоҳанг. Биз Ўзбекистон

ҳукумати ва халқи томонидан кўрсатилаётган бе-миннат ёрдамни чўқур ҳис этиб турибмиз. Бундай илқ муносабатни Хитой халқи юксак қадрлайди.

Дилшод Ахатов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Хитой ҳар томонлама стратегик шерикдир. Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги фармойиши тўғрисида биз хитойлик дўстларимизга ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ёрдам беряёмиз. Шунга кўра, мана, Пекинга илк гуманитар ёрдам юборилди. Хитой ўзининг улкан салоҳияти ва кенг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу синовдан муваффақиятли ўтишига ишонамиз.

«Халқ сўзи».

ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

2020 йилда Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар натижаси ҳар қачонгидан салмоқлироқ бўлиши кутилмоқда.

Америкалик эксперт Ўзбекистонда шиддат билан ўзгараётган ҳаётни янги эра деб атаганида, нечоғли ҳақ эканини таъкидлаш шарт эмас. Зеро, Мурожаатнома Президентимиз фуқаролик, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, экология ва маъмурий жавобгарлик соҳаларини тартибга солувчи олтита кодексни; ташқи иқтисодий фаолият, сув ҳўжалиги, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, ёшларга оид сиёсат ва кинематографияга тааллуқли бешта концепцияни; Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, “Рақамли Ўзбекистон”, “Яшил иқтисодиёт”, камбағалликни камайтириш ҳамда Меҳрибонлик уйлари бўйича бешта дастурни; давлат улуши бўлган корхоналар, қурилиш соҳаси, инсон ҳўқуқлари, шунингдек, рақобат муҳитига тегишли тўртта стратегияни қабул қилиш заруратини айтиб ўтди. Кўриниб турганидек, давлат ва жамият ҳаётининг ҳар бир йўналиши қамраб олинди.

Экспертлар қарийб уч соат давом этган маърузанинг хронометражини ҳам таҳлил қилишди. Бунда Шавкат Мирзиёев ўз қиқшишининг 64 дақиқасини мамлакат иқтисодиёти ривожига бағишлагани маълум бўлди. Ҳайрон бўларли жойи йўқ. Негаки, иқтисодий тараққиётсиз одамлар ҳаётининг янада фаровонлашуви қийин. Жаҳон амалиётларида бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Инвестиция масаласига янгича ёндашув

Давлат раҳбари аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ҳақида гапирар экан, бунинг учун маҳаллий иқтисодиётнинг сезиларли ўсиши ва рақобатбардошлиги орттиришга эришиш зарурлигини таъкидлайди. Шу мақсадда тегишли қарорлар қабул қилади ва иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббусларни илгари суради.

Шу асосда бошқа соҳалар каби иқтисодиётда амалга оширилган чора-тадбирларнинг ақсарияти, чиндан ҳам, инқилобий характерга эга.

Масалан, кўп йиллар давомида қўрилган валюта сиёсатини либераллаштириш масаласини олайлик. Фуқаролар хорижий валютани банкларга топшириш ва у ерда харид қилиш, халқаро пластик карталардан чет давлатларда бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Лекин гап фақат бунда эмас. Яна ҳам муҳими — хорижий валютани алмаштиришда илгари мавжуд бўлган бир неча курс ўрнига ягона курс ўрнатилди. Экспорт билан шуғулланувчи корхоналар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хорижий валютадаги тушумни топшириш мажбуриятиндан озод этилди. Маҳаллий тадбиркорлар хориждан ўз фаолияти учун керакли маҳсулот, товар ва хизматларни олиш учун валюта харид қилишлари мумкин бўлди. Хорижий сармоядорлар эса Ўзбекистонда олинган фойдани валютада четга олиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлишди. Шу ва бошқа чоралар валюта “қора бозори”ни, авваллари давлат томонидан ҳаддан ташка-

ри тартибга солиш натижасида юзага келган коррупция ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилди.

Ўзбекистон раҳбариятининг бу қатъий қадами мамлакат иқтисодиёти ривожига кучли туртки берди. Валюта маблағларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлган тадбиркорлар қорини технологик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун зарур бўлган замонавий жиҳоз ва техникани четдан олиб киришни фаоллаштирди. Валюта сиёсатини либераллаштириш илгари хорижий сармоядорлар дуч келган муаммоларни ҳам ҳал қилишга йўл очди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири бўлди.

Хорижий инвестициялар ҳар қайси давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида гапирганда, Мурожаатномада келтирилган қўйидаги рақамларни айтиб ўтиш жоиз: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этди, 2018 йилдаги нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Кўриниб турибдики, ўсиш анча юқори. Бундай натижага инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва бу ишга барча тузилмаларни жалб этиш орқали эришилди.

Ўзбекистон раҳбарининг хорижий давлатларга таширлар вақтида ўша мамлакатнинг етакчилиги ва ишбилармон доиралари билан ўтказиладиган музокараларда инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи асосий ўринлардан бирига эгалланди. Хорижий инвесторларни излаб топиш республикамиз иқтисодиётининг барча тармоғи ва ҳокимият маҳаллий органлари раҳбарларининг устувор вазифаси саналади. Бу иш билан Ўзбекистоннинг хорижда дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳам шуғулланишади. Яъни улар муайян вилоятларга бириктирилган бўлиб, салоҳиятли инвесторлар билан жойида, тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилди.

Турли мамлакатлардан келаётган ишбилармон доиралар вакилларидан иборат делегациялар, шунингдек, Тошкент ва вилоятларда ўтказиладиган бизнес-форум, кўрғазма сингари тадбирларда чет эллик қатнашчилар сонининг кўпайиши хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортаётганидан далолат. Март ойида пойтахтимизда ўтказилиши мўлжалланаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида хабар берилганда, бу қизиқиш янада кучайди.

“Ўзбекистон Президенти кескин ва чуқур ислохотлар, ўзгаришларнинг янги босқичини бошлаб берар экан, қатъий сиёсий ирода ҳамда узоқни кўриш қобилиятини намойён қилди”, — деб ёзади

Покитон глобал ва стратегик тадқиқотлар марказининг ижрочи директори Х. Т. Акрам ўзининг махсус маърузасида.

Эксперт фикрига кўра, Ўзбекистон қисқа давр мобайнида диққатга сазовор ютуқларга эришди ҳамда хорижий инвесторлар учун узоқ муддатли ишончли ҳамкорга айланди. У мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганини алоҳида таъкидлади. Яъни инновация ташаббуслар туфайли республиканинг барча вилоятларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал шакллари таъминлангани, бу эса хорижий сармояларни фаол жалб қилишга ёрдам беришини айтиб ўтди.

Ўтказилиши мўлжалланган форум тўғрисида бугун дунёнинг турли бурҷақларида гапирилмоқда. Озарбайжонда тадбиркорлар Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик ўрнаттиш имкониятидан фойдаланиш ниятини маълум қилишган бўлса, Испанияда Жиҳоз ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг департаменти бошлиғи Эктор Родригес Ўзбекистонда иқтисодиёт ўстидан давлат бошқаруви даражаси пасайиб, чекловлар камайиб бораётгани, валюта сиёсати либераллашгани, ишбилармонлик муҳити яхшиланиши ва бизнес юритишга ижобий таъсир кўрсатувчи бошқа жиҳатларни олқишлади.

Кластер — ишлаб чиқаришнинг замонавий механизми

Лекин ана шундай катта қизиқиш, ўтказиладиган учрашува ҳамда музокаралар амалий натижа бериши учун хорижий сармоядорларга барча шароитни яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаб бориш талаб этилади. Давлатимиз раҳбари ҳақида бунга алоҳида аҳамият қаратади. Амалдаги қонунийликни такомиллаштириш, фаол ишбилармонликка халақит берувчи тўсиқларни бартараф этиш, инвесторларни Ўзбекистонда бизнес ташкил этиб, ривожлантиришга рағбатлантириш бўйича саяё-ҳаракатлар замирида ҳам айна шу мақсадлар мужассам.

Бу йўналишда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо уларнинг натижаси муҳимроқ.

Масалан, Президент Мурожаатномасида қайд этилгандек, Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингига 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олди. Лекин бу дастлабки қадам, холос. Келгусида Ўзбекистоннинг ушбу рейтингдаги позициясини янада кўтариш, 2022 йилга бориб мамлакатимизда тадбиркорлик учун шароит яратиш борасида “Топ-20” талик даражасига мос келувчи кўрсаткичга эришиш вазифаси қўйилган.

Республика раҳбарияти томонидан ўтказиладиган ислохотлар орасида биз учун, айниқса, тўб ўзгариш ҳисобланувчи янгилликлар ҳам бор.

Жумладан, қишлоқ ҳўжалигида кластер тизимини яратиш мамлакатимиз пахтачилигида ўта муҳим аҳамиятга эга. Илгари, бир неча ўйилликлар давомида Ўзбекистон пахта хом ашёсини етиштириш ва фақат дастлабки қайта ишлаш жараёнини бажариш — уни толага айлантириб беришга “маҳкум” эди. Пахта собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига калава ип, мато ишлаб чиқариш ва кийим-кечак тиқиш учун жўнатилар ёки чет давлатларга хом ашё сифатида экспорт қилиниб, ундан келган фойда эса умумий хазинага тушар эди. Пахта якка-ҳокимлиги вужудга келганда. Шу даражага бориб етганидими, ҳатто остонамизга чигит экиб, ғўза ўстирардик. Бунинг устига, қишлоқ аҳолисининг саломатлигига жиддий зиён етказувчи кимёвий воситалар кўп миқдорда қўлланилар эди. Орол денгизи фожиасини ҳам пахта дала-ларини суғориш учун ҳаддан зиёд сув сарфлангани билан изоҳлашмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган пахта хом ашёси етиштириш ва ундан тола ишлаб чиқариш давом эттирилди. Махсулот, асосан, экспортга жўнатилиб, эндигина суверен бўлган давлатга жуда зарур ҳисобланувчи валюта келтирарди. Бу Ўзбекистоннинг пахта тайёрлаш ва экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторига киришини дахрланлиб юравердик. Аммо шу пайтнинг ўзида кўпгина давлатлар биздан харид қилган пахта толасини қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарар ва катта фойда оларди. Тўғри, секин-аста пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш йўлига ўтилди. Шундай бўлса-да, бир занжирнинг булаклари алоҳида-алоҳида ҳаракатлангандай эди. Дехкон ғўзага бор меҳрини бериб парваришлар, пахта тозалаш заводлари уни толага айлантирар, тўқимачилик корхоналарида мато, кейинчалик тикувчилик фабрикаларида ундан кийим-кечак тайёрланар эди. Ҳар бир субъектнинг ўзига яраша мақсади ва манфаати бўлиши ҳам табиий.

Кейинги бир неча йил ичида янги тизим — кластер вужудга келди. Бу эса пахтани экишдан бошлаб, то тайёр маҳсулотга айлангунча бўлган барча босқични бирлаштириб, узлуксиз

Ўтқир РАҲМАТ.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН ҚОНУНЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

←1 Ушбу ҳужжат билан бир қатор янгиликлар назарда тутиляпти.

Хусусан, масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулият жамиятларга корпоратив ва инфратузилма облигациялари чиқариш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, корпоратив ва инфратузилма облигациялари чиқариш шартлари эндиликда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар билан эмас, балки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланиши тартиби жорий қилинапти.

Айни шу ўзгариш қизгин муҳокама-ларга сабаб бўлди. Депутатларнинг фикрича, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишни қонун орқали белгилаш керак. Ақс ҳолда мазкур ҳужжат тўғридан-тўғри ишлайдиган хусусиятини йўқотади.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши корпоратив қимматли қоғозларни чиқаришга қўйилаётган талабларни энгиллаштириш, республикадаги ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, миллий фонд бозори рақобатдошлигини кучайтириш, амалга оширилаётган лойиҳаларга аҳоли ҳамда институционал инвесторларнинг бўш ресурсларини жалб қилиш учун тадбиркорлик субъектларига имконият яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

22 йилдан сўнг...

Мажлисада “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам атрофликда муҳокама этилди. Ушбу ҳужжат билан 22 йил муқаддам қабул қилинган, бугунги кун талабларига

мутлақо жавоб бермайдиган амалдаги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳа геодезия ва картография фаолиятининг моҳиятини, хусусан, сунъий йўлдош тизимларидан фойдаланишда ҳамда картография-геодезия кадастрини юритишда ахборот-коммуникация, рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам ўзидан акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Хўш, унинг қабул қилиниши соҳа ривожига қандай ўрин тутаяди?

Мажлисда бу борада бир қатор ўзгаришлар юз бериши айтиб ўтилди. Жумладан, материаллар ва маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, ҳарита ва планларни яратиш ҳамда янгилашда рақамли технологияларни қўллаш таъминлаши таъкидланди.

Тақлиф этилаётган лойиҳа орқали амалдаги таҳрирда мавжуд бўлган ҳаволики нормалар чиқариб ташланмоқда. Бу бир қатор масалаларнинг амалиётда ҳуқуқий ечимини топиши ҳамда қонуннинг тўғридан-тўғри ишлаганини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳасида соҳа фаолиятига оид долзарб масалалар тўла қамраб олинмаганини, шу боис уни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ер участкаларини ижарага бериш қонунийлаштирилади

Депутатлар кун тартибидоғи яна бир масала — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини атрофликда муҳокама қилишди. Муҳокамаларда мазкур ҳужжатни қабул қилишнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Ҳозирги кунда фойдаланишдан чиққан қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон фонди ерларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида беришнинг ҳуқуқий механизмини белгилаш зарурати мавжуд.

Қонун лойиҳасида соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган нормалар назарда тутилмоқда. Хусусан, унда ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ёки унинг бир қисми иккиламчи ижарага берилиши мумкинлиги белгиланяпти. Бунда, қишлоқ хўжалигига фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, лалми ва ўрмон фонди ерлари фуқароларимизга ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек, яшил, бўз, кўп йиллик даратхзорлар фуқаролар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан қирқ тўққиз йилгача бўлган муддатга берилиши мумкинлиги йодаланмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси билан “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига киритилаётган ўзгаришга алоҳида эътибор қаратади.

Унда деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари ёки уларнинг бир қисмини шундай ҳуқуқ сақлаб қолинган ҳолда ҳисомий ва юридик шахсларга ижарага берилиши мумкинлиги назарда тутиляпти.

Бу нимани аниқлатади? Депутатлар қайд этганидек, бу қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаш ва шу орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ер участкасини вақтинча фойдаланиш учун беришнинг ҳуқуқий асослари

яратилади ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асоси яратилади

“Инновацион фаолият тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси муҳокамалари чоғида таъкидланганидек, амалдаги қонунчилигимизда айни пайтда инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни, тушунчалар, иштирокчилар таркибинини ва шу жараёнда уларнинг ўзаро муносабатини самарали ташкил қилиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда sanoatда ўзлаштиришни тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас эди.

Депутатлар ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг интеллектуал ва технология салоҳиятини оқсатириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, инновацион оғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда мустақкам ҳуқуқий асос яратишини таъкидлади.

Шу билан бирга, лойиҳа инновацион фаолият соҳалари, унинг барча субъектларининг самарали ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос, қонуний ва технологияларни таъминлайди. Инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, инновацион фаолият инфратузилмаларини кенг қўламада ташкил этиш имконини беради.

Мажлисда, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофликча қўриб чиқилди.

Савол-жавоблар, қизгин муҳокамалардан сўнг, ушбу қонун лойиҳалари депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

МУТАХАССИСЛИККА АЛОҚАСИ БЎЛМАГАН ФАНЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар: ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий оқсатириш — биринчи даражали вазирамиз” мавзусида семинар ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 24 январь куну парламентга йўллаган Мурожаатномасида нафақат Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, балки кейинги беш йил давомида бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илм, маърифат ва спортга кенг жалб қилиш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз Сенатнинг биринчи мажлисида Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деб айтган сўзларига эътибор қаратиб, ёшлар кимнинг авлоди эканлигини, бугунги ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганлигини билиши зарурлигини қайд этди.

Семинарда амалий тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, институтида китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган “Энг яхши китобхон талаба”, “Энг яхши китобхон ўқитувчи”, “Энг яхши китобхон гуруҳ” каби танловларни ташкил этиб, фаол талаба ва ўқитувчиларни тақдирлашни йўлга қўйиш, талабалар

иштирокида Шарқ алломалари ҳаёти ва бой маънавий меросига бағишланган анжуман ўтказиш мақсада мувофиқлиги айтиildi.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда “Маданият ва маърифат” телеканалда “Талаба минбари” деган қўрсатув ташкил этиб, унда юртимизда соҳага доир олиб борилаётган ислохотлар хусусида чиқиш қилиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Тадбир давомида нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини мақбуллаштириш, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки баробар қисқартириш, навқирон авлод вақиллари билан ишлаш самардорлигини баҳолаш бўйича ягона қўрсаткичларни ишлаб чиқиш, ёшлар савиясини баҳолаш миллий индексини жорий қилиш каби масалалар мутахассислар томонидан атрофликча муҳокама этилди ҳамда йигит-қизларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари эшитилди.

Шаҳзод ГАФФОРОВ («Халқ сўзи»)

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ИШЛАШИГА КЎМАКЛАШИЛАДИ

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Сенатнинг биринчи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда маҳаллий Кенгашлар роли ва аҳамиятини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, алоқадор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Термиз шаҳри ва туманлар Кенгашлари депутатлари, шаҳар ва туманлар фаоллари иштирок этди.

Йиғилишда кун тартибидоғи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан Сурхондарё вилоятига бириктирилган вакил — Сенатнинг бюджет ва иқтисодий раисининг ўринбосари Одиложон Иномов маъруза қилди.

Демократик ислохотлар йўлидан оғишмай, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни изчил ҳаётга татбиқ этиш мақсадида давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг аҳолидан тушаётган мурожаатлар билан ишлаш кўникмаларини янада ошириш, улар ҳисобитини парламент ва халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилаётган бўлди. Айни жараёнда ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан

доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шундангина депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдаларни устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади.

Йиғилишда сўз олганлар давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида кўрсатиб ўтилган шу сингари масалалар мазмун-моҳияти, уни амалиётда қўллаш механизми ҳақида тўхталишди.

Шунингдек, доимий асосда ишлайдиган сенаторлар учун маҳаллий Кенгашларда Сенатор хонасини ташкил этиш, зарур жиҳоз ва анжуман билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Термиз шаҳридаги каби ҳар бир туманда Сенатор хонасини намунали ташкил этиш бўйича масъулларга вазифалар юкланди.

Бахтигул БЎТАЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



ҳамкорликни йўлга қўйиши, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак бериши лозим. Шундан келиб чиқиб, эндиликда ҳар бир сенатор маҳаллий Кенгашларга бириктирилмоқда. Бу эса ҳудудларда ишни тўғри ташкил этиш, сессияга масала қўйиш, депутатлик назоратини амалга ошириш, депутат сўрови ҳамда жойлардаги муаммоларни аниқлаш, уни бартараф этиш ишларида биз, сенаторлардан янада фаолликни талаб қилади. Маълумки, охириги уч

Дилбар СУВОНОВА, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати:

— Депутатлик шарафми ёки ваколат? Менимча, бу, энг аввало, халқ ишончи. Бу эса ҳар бир депутатдан катта масъулият, билаётган шу ишонччи оқлаш учун фидойиликни талаб этади. Гап шундаки, бугунги депутат ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориши даркор. Айни мақсадда тажриба алмашиш, ҳаётий маъна ва меҳнат тажрибаларини бойитиш, изланиш, интилувланиш хусусиятини ўзидан муассасам этса айни мудоао. Фаолият давомида, биринчи навбатда, халқнинг муаммо ва ташвишларини тинглаш, уларга ечим топиш, айни жараёнда амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий рия қилиши, очик ва ошкора-

лики таъминлаши самарали фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахслардан тушган шикоят ва аризаларни ўз вақтида қўриб чиқиб, ҳар томонлама кўмак бериш йўллари излаши ва масалага сирдан баҳо бериш, муаммони чўқур таҳлил этиши, унга юқори аҳамиятлик даражасида ёндашиш, ваколат доирасида тегишли тартибда ҳал қилиш, таъсирчан депутатлик сўровидан фойдаланиш бу борадаги муҳим омиллардан саналади. Яна бир муҳим жиҳат. Энди ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш шартлиги



Президент Мурожаатномасида аниқ белгилаб берилди. Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилиши мақсадида Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тақлифи ҳам билдирилди. Ҳаётимизга кириб келаётган бу сингари демократик тамойиллар халқ розилигига эришиш учун кенг йўл очиб бериши, шубҳасиз.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»)

Ақтам ХАЙТОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Ялли мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилди. Ушбу ҳужжат билан айрим қонунларга, хусусан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича киритилаётган ўзгаришлар, биринчи навбатда, айнан бизнесга қулай муҳит яратиш ҳамда аҳолининг пул маблағларини иқтисодиётга кўпроқ жалб этишга қаратилган. Шу нуктага назардан, қонун лойиҳаси билан қимматли қоғозлар бозорига акциядорлик жамиятларидан ташқари, бошқа турдаги жамиятларга ҳам облигациялар чиқаришга ҳуқуқ берилляпти. Бу қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини кўпайтиради, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтсам. Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида коррупциянинг оқибатлари билан курашишда кўра барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган тузишни тақлиф қилган эди.

Орадан қисқа вақт ўтиб, кунни кеча бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз ушбу янги тузилмени ташкил этиш масаласини илгари сурди. Бу — жуда ҳам муҳим масала.

Унинг тўғридан-тўғри Президентга бўйсунуши ва парламент назорати таъминланиши айни мудоаодир.

Алишер ҚОДИРОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Депутатлар ялли мажлис кун тартибидоғи ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан қизгин мунозаралар қилаётгани эътиборга молик. Мисол учун, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бахс-тарғога сабаб бўлди.

Биланмики, мамлакатимизда шифокор тавсиясининг ўзини-ўзи даволаш тажрибаси кенг тарқалган. Бунинг натижасида дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари ортомқда. Буни ҳаётий мисоллар орқали ҳам кўриб турибмиз. Шу нуктага назардан айтганда, қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга рецент билан релацияция қилиш тартибининг бузганлик масаласида жавобгарликни белгилаш бўйича ўзгариш киритиш кўзда тутилган. Албатта, бу аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг соғлиги ва келажагига салбий таъсир қўрувчи кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг нотиббий мақсадларда қўлланилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, фракциямизда Президентимиз томонидан кунни кеча ўтказилган йиғилишдаги масалалар диққат-эътиборимизда бўлди. Очигини айтиш керак, бугун соғлиқ-

лик ўрнатади. Қолаверса, долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этишда ҳам унинг ўрни катта бўлади.

Улугбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Мажлисда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан фракциямиз нуктага назардан келиб чиқиб, ўз фикрларимизни билдирдик. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси ялли мажлисда қизгин муҳокама қилинди. Унга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда ерга оид муносабатларни эркинлаштириш, тадбиркорлик, жамоатчилик назоратини янада кучайтиришда муҳим ўрин тутаяди.

Наримон УМАРОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Айни пайтда республикамизда инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона қонунчилик базаси мавжуд эмас. Шу нуктага назардан, ялли мажлисда атрофликча кўриб чиқилган ва биринчи ўқишда қабул қилинган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси орқали инновациявий соҳаларнинг самарали ҳамкорлиги таъминланиши, инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилашни кўзда тутиляпти.

Фракциямиз йиғилишида қонун лойиҳалари билан бир қаторда, Президентимиз кунни кеча ўтказган йиғилишдаги масалаларга ҳам алоҳида аҳамият қаратдик. Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишдаги яна бир муҳим воситалардан бири — жамоатчилик назорати эканини алоҳида таъкидлади. Ташкил этиладиган Жамоатчилик палатаси давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкор-

тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги мамлакат раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилди.

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экология партияси фракцияси раҳбари:

— “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида кўплаб саволлар ўртага ташланди. Унда ҳаволики нормалар олиб ташланаётгани эътиборли, албатта. Бироқ қонуннинг тўғридан-тўғри ишлаши учун янада такомиллаштириш, соҳани илмий назарий жиҳатларини ҳам қамраб олиш зарур.

Ялли мажлис танаффусида фракциямиз аъзолари билан давлатимиз раҳбарининг кунни кеча бўлиб ўтган йиғилишидаги масалаларни яна бир қарра чўқур таҳлил қилдик. Унда ташкил этиладиган Жамоатчилик палатасининг асосий вазифалари ҳақида фикрлашдик. Айтиш керак, ҳозирги кунда жамоатчилик билан ишлаш тизими жойларда ва соҳаларда халқимизни қийнаётган масалаларни давлат мекёсига олиб чиқиб, ҳал қилишда натижа кўрсата олмаяпти. Ушбу палата, ўйлаймики, аҳоли муаммоларини ечимини топиш бўйича давлат идораларни олдига аниқ вазифаларни қўя олади.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»)

ФАОЛИЯТНИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши кураш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Давлат божхона қўмитасининг ўз тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган ишлари юзасидан эшитиш ўтказилди.

Унга кўра, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялар ташкил этилиб, қўмитанинг 16 кишидан иборат ҳуқуқий тарғибот гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

Ҳодимлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, ноҳўя ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида 144 нафар ходим бошқа лавозимга, 62 нафар ходим эса бошқа ҳудудий бошқармаларга ротаация қилинган. 380 та хизмат текшируви ўтказилиб, шундан 137 та ҳолатда тартиббузарликлар ўз тасдигини топиб, 431 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Ахлоқ судлари ақунларига мувофиқ, 95 нафар ходимга нисбатан жамоатчилик оғохлантиришлари, 54 нафар

ҳодимга нисбатан турли интизомий таъсир чоралари қўрилган.

Шу билан бирга, давлат божхона хизмати органлари ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабардор бўлган тақдирда қай тарзда ҳаракат қилишларини белгилаб беришга қаратилган “Давлат божхона хизмати органлари ходимлари ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш чорат-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи ишлаб чиқилган.

Коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан мақсадли тадбирлар-

ни амалга ошириш борасида Давлат божхона қўмитаси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, афсуски, божхона соҳасида ҳам тадбиркорлар коррупцияга дуч келиши ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Эшитув давомида депутатлар томонидан Давлат божхона қўмитаси раисига божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартриш, қонунларни таҳлил қилиб, улардаги коррупцияга шароит яратувчи нормалар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига маълумот киритиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Депутатлар божхона соҳасида Азия вазирлигидан 925-сон билан рўйхатдан ўтган тартиб тадбиркорларга қийинчилик туғдириши билан бирга, унда коррупцион иллатлар мавжудлигини қайд этиб ўтдилар. Яъни

ушбу тартибда белгиланган жойдан ташқарида божхона расмийлаштируви ўтказганлик учун ҳар бир ҳодимнинг иш вақти учун “евро” валютасида ҳисоб- китоб амалга оширилишини қандай тушуниш мумкин, деган асосли савол қўйилди. Мазкур тартибда белгиланган жойга божхона ходимининг етиб бориши учун сарфланган вақт ҳам ҳисобга олинмаган. Шу боис депутатлар ушбу тартибнинг коррупцион ҳолатни келтириб чиқариш хавфи юқорилигини таъкидлаб, тезда қайта кўриб чиқиш ва ҳаётга мослаштириш зарурлигини билдирди.

Шунингдек, депутатлар фуқаролар мурожаатларидан келиб чиқиб, ходимларнинг фуқаролар билан муносабатларида одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиши бўйича ўз

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

ЮКСАК МАЪНАВИЙ МАСЛАК, АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ҒАЛАБАСИ

Шонли тарихимизда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк саркардаларимизнинг оз сонли қўшин билан душманнинг катта лашкари устидан ғалабага эришгани ҳақида мисоллар кўп.

Албатта, уларнинг ҳарбий салоҳияти, жанг майдонида қўллаган тактика ва стратегиялари — бу алоҳида мавзу. Лекин бу улуг саркардаларнинг ўз аскарлари қалбига чинакам ватанпарварлики, жанговар руҳни сингдира олгани биз учун бугун ҳам ибратлидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 10 январь кун Қуролли Кучлар Академиясида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг ҳарбий салоҳияти, маънавий куч-қудрати барчамизга ўрнак сифатида алоҳида келтирилди.

Дарҳақиқат, улуг саркардаларнинг ҳаётидан ҳар биримиз ўзимизга зарур ибратли хулосаларни чиқариб олишга аризули мисоллар бисёр.

...Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзонинг фарзанди Бобурнинг ёшлиги теурийлар давлати чуқур инқироз даврига кирган йилларга тўғри келди. Шунга қарамай, у барча теурий шаҳзодалар каби тарбия топди. Ёшлигидан камондан ўқ отиш, қиличбозлик, от чопиш билан шуғулланиб, ҳарбий жанг санъатини эгаллади, буюк туркий боболарининг мисли кўрилмаган жанглири ва ғалабалари мадҳ этилган китобларни ўқиб, эшитиб улғайди. Ёш Бобур барча теурий шаҳзодалар каби катта сиёсий даъволар билан балогатга етдики, буни "Бобурнома"даги кўпгина қайدلрда ҳам кўраимиз.

Бобур Мирзода буюк ҳукмдорларгагина ато этиладиган кўлаб хислатлар мавжуд бўлиб, улар ичида ҳарбий маҳорат сирасига кирадиган кўникмалар — кучли хотира ва кузатувчанлик, стратегик фикрлаш қобилияти алоҳида эътироф этиш мумкин. Отасининг жоғиали ўлимидан кейин, "Тангри таллонинг инояти билан... рамазон ойининг бешида тарих саҳнисиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшга етган" бўлиб қолган Бобур Мирзонинг ёшлиги Фарғона водийсидаги шаҳару қўрғонларни ҳимоя қилиш, эгаллаш учун тинимсиз курашлар, урушлар, мулк талашилар билан ўтди. Бу давр ёш Бобурнинг ҳарбий маҳорати чарқанишида, ҳарб илми сир-синоатини эгаллаши ва маҳоратини такомиллаштириб боришида муҳим ўрин тутди. Бу суронли йиллар, илк ғалабалар нашидаси ва "ажаб шикаст", яъни мағлубият алами ёш Бобурнинг руҳий олами, дунёқараш шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Ҳаётини қудратли салтанат тузиш йўлига тиккан жасур ва мард, тўғрисиқ ва талабчан шаҳзода вояга етказди.

Бобур Мирзонинг ҳарбий маҳорати, саркардалиқ қобилияти Муҳаммад Шайбонийхон билан курашлар давомиде янада такомиллашди. XV асрнинг охирида теурийлар давлатида бошланган сиёсий беқарорлик олий ҳокимият, яъни Самарқанд тахти учун тинимсиз курашларга олиб келди. Бобур Мирзо теурийлар давлати тақдирини ҳал қилинаётган бу мураккаб даврда катта сиёсий саҳнага чиқди. Унинг Самарқанд тахтига асосий даъвогар сифатида курашга қўшилишига табиий ҳол сифатида қараш керак. Зеро, ёш бўлишига қарамасдан у юксак сиёсий тафаккурга, саркарда ва ҳукмдор учун зарур кўникмаларга эга, энг муҳими, салтанатни сақлаб қолишда барча

теурий ҳукмдорларнинг бирлашиши ҳаётини зарурат эканлигини чуқур англаган эди. Улуг бобомиз Самарқанд тахтига уч марта ўтиришга муваффақ бўлган ягона теурий ҳукмдор сифатида ҳам тарихимиздан ўрин олди.

Бобур Мирзо ўзининг оз сонли қўшин билан Самарқанд ва унинг атрофидаги мавзелада Шайбонийхон қўшинлари билан бир неча марта очик жангга киришди. Бу борада Сарипул жанги ва Самарқанд мудофеаси Бобур Мирзо ва Шайбонийхон ўртасидаги сиёсий курашларда муҳим ўрин тутди. Бобур Мирзо рақиб қўшин жанг усуллари билан танишиш, илгор тактик аънаналарни ўзлаштиришга ҳам етарлича эътибор қаратган. Хусусан, "Бобурнома"да Шайбонийхон қўшинларининг ҳарбий тактикаси, дашт ўзбеклари томонидан моҳирона қўлланилган ҳарбий тактика — "Тўлғама усули" ҳақида маълумотлар берилди.

Бобур Мирзо қўшини тузилиши ва қуролланиш даражасига қўра уша даврнинг илгор кўринишида эди. Бу даврда ўқотар қўрғонлардан, хусусан, тўфанг (милтик) ҳам ҳужум қуроли сифатида тарқала бошлаган. Бобур Мирзо Кобул ва Қандаҳор оралигидаги худудларни ўз азияга олиб юрган "қозоқлик йиллари"да ўзи, асосан, ўқ-ёйдан фойдаланган бўлса-да, қўшинида тўфангдозлар бўлгани маълум.

1526 йил 21 апрелда Дехли яқинидаги Панипат қишлоғидаги жангда Бобур подшо қўшинлари Дехли султони Иброҳим Лўдий қўшинини мағлуб этди. Бир аскарга 8-9 ёғий тўғри келган ва 100 дан ортик жанговар тўфанг қатнашган бу дахшатли муҳорабада Бобур Мирзо ўзига ҳос усул қўллади. Яъни саркарда буйруғи билан жанг майдонида аравалардан яримдоира шаклида дала истеҳкоми барпо этилади. Аравалар оралигида тўфанг (милтик) билан қуролланган, совуқ билан ҳимояланган жангчилар жойлаштирилади. Жанг тақдирини қўшин марказига жойлаштирилган тўпчилар бўлинимаси ҳал қилди. Замбаракдан отилган ўқлар шовқинидан қаттиқ қўрққан жанговар филлар Иброҳим Лўдий қўшинининг жанговар сафини бузиб, қоча бошлади. Пешиндан кейин ҳужумга ўтган Бобур қўшинлари тўлиқ ғалабага эришади.

Бу жанг икки жиҳати билан тарихда қолди: биринчидан, Панипат жангида Бобур қўшинлари биринчи марта тўп-замбаракдан кенг фойдаланди. Иккинчидан, ушбу тарихий ғалаба Бобурга Дехли ва Аграни эгаллаш ҳақида Шимолий Ҳиндистонни тўлиқ буйсунириш учун йўл очиб берди.

Панипат жанги курашларда юксак маънавий маслак, азму шижоат, мардлиқ ҳамиша голиб чиқагани яна бир исботлади.

Буюк аждодларимиз фаолияти, қилган эзгу амаллари, жасорати барчамизга фахр-ифтихор бағишлаб, ҳаётимизда йўлчи юлдуз бўла олади.

Ўқтам МАВЛОНОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

ИККИ БУЮК СИЙМОГА ЭҲТИРОМ

Яшнобод туманидаги 151-умумтаълим мактабиде беш муҳим ташаббус доирасида икки буюк сиймо — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижодиға бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

— Бу икки буюк бобомиз ўзбек мумтоз адабиётини шу қадар баланд погоналар-

га олиб чиққани, уларнинг мероси бугунги кунларимизни ҳам файзиёб этиб ту-

рибди, — дейди тадбир иштирокчиси Даврон Ражабов. — Шу сабабли ҳар йили уларнинг таваллуд айёмлари юртимизда байрамона руҳда ўтказилади, сўзга, адабиётга ошфта халқимиз инсонпарварлик, тинчликсеварлик гоёлари билан йўғрилиб, меҳр-оқибат, садокат туйғуларини тараннум этган ижодидан катта куч олгандек бўлишади.

Тадбирда икки буюк шоирнинг ғазал, рубоий, туюқларидан намуналар ўқилди. — Иштирокчилар учун "Алишер Навоий" спектаклидан саҳна намойиш этдик, — дейди 6-синф ўқувчиси Мадинахон Камолитдинова. — Синфдошим Улуғбек Қодиров Алишер ролини ижро этган бўлса, мен Гули бўлдим. Саҳнада ўзимни

худди буюк бобомиз даврига бориб қолгандек ҳис этдим. Рости, салгина ҳаяжонландим ҳам. Мактабни битириб актёрлик касбини танлашни дилимга тугиб қўйдим.

Тадбирда "Турон" ахборот-ресурс маркази ходимлари, таникли шоир-ёзувчилар иштирок этиб, ўқувчилар билан буюк боболаримиз ижоди, мутлолаа борасида адабий суҳбатлар ўтказишди.

Назозат ҚУНДУЗОВА.

ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ

автобуслар йўловчилар узоғини яқин қилишга ҳамиша шай



Чунки ушбу ҳужжатлар туғайли янги йўналишлар очилиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар замонавий автобуслар билан бойитилмоқда.

Хизмат

Бугунги кунда йўловчи ташиш соҳасида соғлом рақобат асосида фаолият юритаётган корхоналар савфи кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Албатта, барча корхоналар кўзлаган мақсад муштарак, яъни йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўловчилар ташишни бошқариш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратишдир. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ эса аҳолига замонавий автотранспорт хизматларини кўрсатиш бўйича

ри тақдим этилмоқда. Жумладан, Тошкент — Бишкек — Тошкент, Нукус — Олмаота — Нукус йўналишлари бўйича ҳаракатланувчи автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Бунда Хитойдан келтирилган "Youtong" автобуслари қўл келмоқда. Мазкур автобуслар барча қулайликка эга.

— Асосий мақсадимиз йўловчиларни соғ-саломат ўз манзилларига етказиб қўйиш, — дейди жамият раҳбари Саидзат Тошқўжаев. — Бунинг учун зарур қулайликларга эга автотранспорт воситаларини "Миллий банк" АЖ томонидан ажратилган 4 млрд. 200 млн. сўм миқдоридеги кредит эвазига сотиб олганмиз. Ҳозирча 6 та автобус харид қилинган. Аини пайтда Тошкент — Бишкек — Тошкент йўналишида кунига 100 нафардан ортик йўловчиларга хизмат кўрсатаётган бўлса, Нукус — Олмаота — Нукус йўналишида ҳафтасига 300 нафардан зиёд одамлар узоғини яқин қилаймиз.



Қайсидир йўловчи: "янги автобус барибир янги-да, қандай қилиб манзилларга етиб олганингни ҳам сезмайсан. Аиникса, мен каби талабаларга таътил вақтлари ота-онаси олдиға боришлари жуда қулай ва беҳавотир", деса яна бошқаси: "Ўзбекистонда қариндошларимиз бор, одатда, кичкина фарзандим билан келиб-кетаман. Илгари Қирғизистондан то Тошкентга етиб келгунча автобуслар шалоқлиги сабаб қийналардик. Энди эса фарзандим ҳам, мен ҳам жуда мамнунмиз. Чунки замонавий автобус-

ларда вақт қандай ўтиб кетганини сезмаймиз", дейди.

Дарҳақиқат, автобусларда йўловчилар учун максимал даражада қулайликлар яратилган. 51 ўринга мўлжалланган замонавий автотранспорт воситасининг ўриндиқлари юмшоқ, ҳар бирининг тепасида ҳаво дефлектори ва индивидуал ёритиш чироклари мавжуд. Кондиционер ва мониторлар эса узоқ йўлли сафарлар чоғида жуда қўл келади. Бундан ташқари, ҳайдовчиға ҳам алоҳида қулайликлар яратилган. Ҳайдовчи ўриндиғи огирликка қараб автоматик тарзда созланади ва уч нуктали хавфсизлик камарига эга. Шунингдек, зарурат бўлганда ўриндиқнинг баландлиғи ва огиш бурчагини ўзгартириш мумкин. Йўловчиларни ўз манзилларига хавфсиз етказиш мақсадида ҳар бир рейсда икки нафар малакали ҳайдовчи ҳар тўрт соатда жой алмашадилар. Ўриндош



Йўловчиларни хавфсиз ўз манзилларига етказиш мақсадида ҳар бир рейсда икки нафар малакали ҳайдовчи ҳар тўрт соатда жой алмашадилар. Ўриндош ҳайдовчи автобуснинг пастки қисмида жойлашган ётоқда хордиқ чиқариши мумкин. Автобуслар техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўриқдан мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Автобуснинг санитар ҳолати ҳам доимий назорат остига олинган.

ларда вақт қандай ўтиб кетганини сезмаймиз", дейди.

Дарҳақиқат, автобусларда йўловчилар учун максимал даражада қулайликлар яратилган. 51 ўринга мўлжалланган замонавий автотранспорт воситасининг ўриндиқлари юмшоқ, ҳар бирининг тепасида ҳаво дефлектори ва индивидуал ёритиш чироклари мавжуд. Кондиционер ва мониторлар эса узоқ йўлли сафарлар чоғида жуда қўл келади. Бундан ташқари, ҳайдовчиға ҳам алоҳида қулайликлар яратилган. Ҳайдовчи ўриндиғи огирликка қараб автоматик тарзда созланади ва уч нуктали хавфсизлик камарига эга. Шунингдек, зарурат бўлганда ўриндиқнинг баландлиғи ва огиш бурчагини ўзгартириш мумкин. Йўловчиларни ўз манзилларига хавфсиз етказиш мақсадида ҳар бир рейсда икки нафар малакали ҳайдовчи ҳар тўрт соатда жой алмашадилар. Ўриндош

ҳайдовчи автобуснинг пастки қисмида жойлашган ётоқда хордиқ чиқариши мумкин. Автобуслар техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўриқдан мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Автобуснинг санитар ҳолати ҳам доимий назорат остига олинган. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, Тошкент — Бишкек — Тошкент йўналишидаги қатновлар ҳар кун соат 18:00 ва 19:00 да амалга оширилса, Нукус — Олмаота — Нукус йўналишидаги ҳаракатланувчи автобуслар кунора соат 13:00 да йўлга чиқади. "Mironshox Grand Trans" МЧЖ "Миллий банк" АЖ билан ҳамкорликнинг давом эттирган ҳолда ўз фаолиятини кенгайтиришни кўзда тутган. Шу мақсадда янги маршрутлар йўлга қўйилиши режалаштирилган.

"Миллий банк" АЖ матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

REKLAMA
Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!
«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат муддати узоқ ҳамда кафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва санаот иситкичларини тақдир қилади.
ISITKICHLARI
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53. www.pgs.uz

SAUNA UCHUN ELEKTR USKUNA
www.pgs.uz
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 71-279-38-54, 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53.
Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламнгиз бўлиши мумкин эди!
"Халқ сўзи"даги Реклама
БИЗНЕСНИНГИЗНИ ҚУЛАБ-ҚУВВАТАЙМИЗ!

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
Тахририятга келган қўламақлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 22.40 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6